# Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг 2015 йил январь-декабрь ойларида амалга оширилган ишлар юзасидан

# М А Ъ Л У М О Т

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| **1. Кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтиомий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш** | | | | | | | | | | | | |
| 1. | 2. | Ўзбекистон Республика-сининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2015 йил II чорак | Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат идоралараро ишчи гуруҳи тузилди;<br>Вазирлик ва идораларнинг таклиф ва қўшимчаларини инобатга олиниб, қайта ишлаб чиқилган Қонуннинг лойиҳаси ҳамда унинг концепцияси 2015 йилнинг 15 апрель куни Вазирлари Маҳкамаси ҳузуридаги Ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқилди ва тегишли таклифлар киритилди. Таклифлар асосида қайта ишлаб чиқилган Қонун лойиҳаси 2015 йилнинг 22 май куни вазирлик ҳамда БМТ Тараққиёт | - | - | - | - | - | - | - | |

| Т/р | Дас-тур банд лари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | | | дастурининг “Ўзбекистонда ёлғиз кексалар ва ногиронларга профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш” лойиҳаси доирасида маҳаллий ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишда муҳокама қилинди ҳамда қўшимча ва таклифлар билан тўлдирилди.<br>Қонун лойиҳаси вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда 22.05.2015 йил 03-07/2145-сонли хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди. | | | | | | | | |
| 2. | 5. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг 2015-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги | Ишлаб чиқиш - 2015 йил III чорак, амалга ошириш - 2015 -2020 йиллар мобайнида | Давлат дастури лойиҳа-сини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди;<br>ишчи гуруҳи томонидан 2011-2015 йиллар учун мўлжалланган Давлат дасту-ри доирасида амалга оширилган ишлар, якка- | - | - | - | - | - | - | - | |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. | | ёлғизларни ижтимоий ҳимоясига оид халқаро ҳамда хорижий давлатлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, чет эл тажрибаси таҳлил қилинган холда Давлат дастури лойихаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди ҳамда ўрнатилган тартибда вазирликнинг 20.10.2015 йилдаги 01-07/3334-сонли хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди. | | | | | | | | |
| 3. | 8. | Вазирлар Маҳкамасининг “Қариялар учун ижтимоий хизматларни тайинлаш ва кўрсатиш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг индивидуал дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2015 йил II чорак | Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 237-сон қарори қабул қилинди ва ижрога қаратилди. | 150,0 | 150,0 | | | | | 150 | 100,0 |

| Т/р | Дас-тур банд лари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| **2. Кексалар, аввалambор, фашизм устидан қозонилган Ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, “Нуроний” жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш** | | | | | | | | | | | | |
| 4. | 9. | Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги шарафига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари - 1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат фронти фахрийларини эсдалик юбилей медали билан мукофотлашни ташкил қилиш. | 2015 йил февраль | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 19 февралдаги ПФ-4704-сон Фармонига мувофиқ “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик медали таъсис этилди. 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини эсдалик медаллар билан мукофатлаш юзасидан ташкилий тадбирлар амалга оширилди.<br>Байрам тадбирлари доирасида республика бўйича жами 6194 нафар 1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари эсдалик юбилей медаллари билан тақдирланди. | - | - | - | - | - | - | - | |
| 5. | 10. | II Жаҳон урушида фашизм устидан қозонил-ган Ғалабанинг 70 йилли-гини мамлакатимизда | 2015 йил 1 мартгача, амалга | 2015 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотира ва қадрлаш куни”ни нишон- | - | - | - | - | - | - | - | |

| Т/р | Дас-тур банд лари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | кенг байрам қилинишига бағишланган тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | ошириш - йил мобайнида | лашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида”ги Ф-4437-сон Фармойиши қабул қилинди. Мазкур фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 апрелдаги 28-сон мажлис баёни билан ишчи гуруҳи ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, ижроси таъминланди. Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 22.05.2015 йилдаги 01-07/1849 сон хат билан ахборот тақдим этилди. | | | | | | | | |
| 6. | 11. | 1941-1945-йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс тадбирлар ўтказилишини ташкил қилиш, уларда қуйидагилар назарда тутилади:<br>1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига 9 май “Хотира ва қадрлаш куни” байрамига мўлжал- | 2015 йил апрель-май | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПФ-4708- сонли Фармонига мувофиқ 9-май “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан 2 860 нафар 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 700,0 минг сўм миқдорида бир йўла мукофот пули ҳамда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан | 7 120,0<br>2 500,0<br>900,0 | 9112,4<br>2 002,0<br>900,0 | 2 002,0<br>2 002,0 | 3302,0<br>900,0 | 3808,4 | | | 127,9<br>80,1<br>100 |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | лаб бир йўла мукофот пули тўлаш орқали уларни моддий рағбатлантириш;<br><br>1941-1945-йиллардаги урушнинг ҳар бир қатнашчисини мамлакати-мизда ишлаб чиқарилган аналогли ва рақамли телевидение сигнал-ларини қабул қиладиган телевизорлар билан бепул таъминлаш; | | мукофот пуллари берилди. Шундан Нуроний жамғармаси Марказий кенгаши томонидан 190,0 млн.сўм ажратилди.<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, “Маҳалла” фонди, “Нуроний” жамғармаси, “Ўзэлтехсаноат” АКтомонидан 1941-1945-йиллардаги уруш қатнашчиларини телевизор ва телефон билан таъминлаш мақсадида ҳомийлар рўйхатлари шакллантирилиб телелевизор ватлефонлар тарқатилди.<br><br>“Махалла” фонди ҳамда хомийлар ҳисобидан 2192 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийларигарақамли ва аналогли сигналларни қабул қиладиган телевизорлар | 3 000,0 | 3893,6 | | 1514,9 | 2378,7 | | | 129,8 |

| Т/р | Дас-тур банд лари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | | | тақдим этилди.<br><br>Шундан “Махалла” фонди томонидан 540 нафар фахрийларга 547 млн.сўм сарфланди. | 500,0 | 1879,0 | | 547,7 | 1332,0 | | | 375,0 |
| | | 1941-1945-йиллардаги урушнинг ҳар бир қатнашчисини Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мобиль телефон аппарати билан бепул таъминлаш; | | 2893 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган жами 317,0 млн.сўмлик мобиль телефон аппарати билан бепул таъминланди. | 300,0 | 317,0 | | 219,3 | 97,7 | | | 105,6 |
| | | 1941-1945-йиллардаги уруш қатнашчиларига ойлик абонент тўлови ундирмасдан ҳар ойда 60 минут миқдорида чиқувчи маҳаллий ва шаҳарлараро қўнғироқлар учун бепул лимит бериш; | | Барча мобил операторлари томонидан маҳаллий ва шаҳарлараро қўнғироқлар учун бепул лимитли хизматлар ва тариф режалари ишлаб чиқилиб, амалда жорий қилинди. Ҳозирда 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини тегишли хужжат асосида улаш ишлари олиб борилмоқда ва хизматлар кўрсатилмоқда. | 300,0 | 3,8 | | 3,8 | | | | 11,4 |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | 1941-1945-йиллардаги уруш тамом бўлганлигининг 70 йиллигига, фашизм устидан қозонилган Ғалабага муносиб ҳисса қўшган ўзбекистонликларнинг қаҳрамонлиги ва жонбозлигига бағишланган почта маркалари ва конвертлар чиқариш. | | “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган 10 минг дона почта маркалари, 15 минг дона почта откриткалари ва 300 минг дона конвертлар тайёрланиб, сотувга чиқарилди. | 120,0 | 120,0 | | 120,0 | | | | 100 |
| 7. | 12. | 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига белгиланган ҳар ойлик компенсация тўловларини тегишли равишда 50% ва 25% гача кўпайтириш (амалдаги 45% ва 18% ўрнига) | 2015 йил февраль | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон Фармонига мувофиқ 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари учун коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига белгиланган ҳар ойлик компенсация тўловларини 2489 нафар фаҳрийларга 50% миқдорида ҳамда 58441 нафар фаҳрийларга 25% миқдорида тўлаб берилди | 6 900,0 | 3972,7 | 3972,7 | | | | | 57,6 |
| 8. | 13. | Республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган | Доимий равишда | 2015 йил 23 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республиканинг | 700,0 | | | | | | | |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига бир йилда бир марта темир йул транспортида бепул юриш, шунингдек ҳаво транспорти йўлкираси қийматининг 50%ни чегириш (бориш ва қайтиш) ҳуқуқини бериш | | санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига темир йўл транспортида бепул юриш ва ҳаво транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 100-сонли қарор қабул қилинди.<br>Унга мувофиқ, республика санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига темир йўл транспортидан бепул ва ҳаво транспортидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқи берилди;<br>“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК томонидан 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини республиканинг барча санатор-соғломлаштириш | | | | | | | | |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | | | муассасаларига имтиёзли юришини таъминлаш топширилди. | | | | | | | | |
| 9. | 14. | Қуйидагиларни:<br>энг зарур маҳсулотлар ҳажми ва турларини кўпайтирган, санитария-гигиена жиҳатидан энг зарур товарларни рўйхатга киритган ҳолда энг зарур маҳсулотлар ҳажми ва турларини кўпайтиришни;<br>ажратиладиган бюджет маблағларини икки баробар кўпайтиришни назарда тутган ҳолда бериладиган маҳсулотлар тўпламини қайта кўриб чиқиш йўли билан ёлғиз қарияларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва энг зарур маҳсулотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш. | Доимий равишда | Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 237-сон қарори қабул қилинди ва ижрога қаратилди.<br>Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида ижтимоий хизматга олинган 4354 нафар фуқаролар зарур озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланди.<br>Шунингдек, ҳудудий меҳнат органлари, Қизил Ярим ой ва “Махалла” жамоат фонди бўлимлари билан биргаликда ижтимоий муҳофазага мухтож 813 нафар фуқароларнинг ҳар бирига “Халқ банки”нинг бўлимларида ҳисоб рақами | 7 000,0 | 3805,6 | 3135,6 | 172,0 | 498,0 | | | 54,0 |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | | | очилиб, 100,0 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди, 9835 нафари озиқ-овқат, 1254 нафари кийим-кечак ва гигиеник воситалар билан таъминланди. Шундан “Маҳалла” фонди томони-дан 823 нафарига 172 млн.сўм сарфланди. | 670,0 | 670,0 | | 172,0 | 498,0 | | | 100,0 |
| 10. | 15. | 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, шунингдек ёлғиз ва ижтимоий мададга муҳтож кекса кишиларнинг 2015-2017 йилларда уй-жой шароитларини яхшилаш-нинг ҳудудий дастур-ларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, унда қуйидагилар назарда тутилади:<br>“Маҳалла” фонди ва “Нуроний” жамғармаси, маҳалла аҳолиси, айниқса ёшлар, ҳомийлар ва саҳоватпешаларнинг фаол иштирокида ҳар бир маҳаллада камида бир нафар фахрийни (ҳаммаси | Ишлаб чиқиш - 2015 йил февраль, амалга ошириш – 2015-2017 йиллар мобайнида | 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, шунингдек ёлғиз ва ижтимоий мададга муҳтож кекса кишиларнинг 2015-2017 йилларда уй-жой шароитларини яхшилаш-нинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан вилоят ҳокимликларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2015 йил 9 мартдаги 07/1-90-сонли кўрсатмаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазири-нинг 2015 йил 6 мартдаги 01-07/617-сонли хати йўлланди.<br>Жорий йилнинг ўтган | 60000,0 улардан 2015 йилда 20 000,0<br>18500,0 | 19744,6<br>15890,0 | | 1790,0 | 17954,0<br>15890,0 | | | 98,0<br>85,0 |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | бўлиб бир йилда 10 минг кишига яқин) қамраб олган ҳолда 1941-1945 йиллардаги уруш қатнаш-чилари ва ногиронлари-нинг, шунингдек ёлғиз ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кексаларнинг квартиралари ва уйларини республика бўйича ҳашар йўли билан жорий таъмирлаш, зарур ҳолларда эса мукаммал таъмирлашни, шунингдек ҳовлиларни ободонлаш-тиришни назарда тутган ҳолда уларнинг турар-жой шароитларини яхшилаш дастурини ишлаб чиқиш ва 2015-2017 йиллар мобайнида амалга ошириш. | | даврида 8816 нафар ёлғиз ва кам таъминланган фуқаро-ларнинг уй-жойлари таъ-мирланиб 15890,0 млн. сўм маблағ сафланди.<br>“Маҳалла” фонди ва ҳомийлар томонидан 4317 нафар муҳтож кексаларнинг уй-жойлари таъмирлаш учун 1790,0 млн.сўм сарфланди. | 1850,0 | 3854,0 | | 1790,0 | 2064,0 | | | 208,3 |
| 11. | 16. | Қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш асосида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш доира-сида (“my gov.uz” портали орқали уланишни ташкил | | | | | | | | | | |

| Т/р | Дас-тур банд лари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | этган ҳолда) замонавий ахборот-коммуникация техноло-гияларидан кенг кўламда фойдаланиб, кексаларга кўрсатилаёт-ган ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш:<br>ёлғиз кексалар ва ногиронларга хонадон-ларида ижтимоий хизмат кўрсатишга электрон буюртманомалар бериш бўйича интерактив хизматлар; | 2015 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази томонидан “Ёлғиз кексалар ва ногиронларга хонадонларида ижтимоий хизмат кўрсатишга электрон буюртманомалар бериш” бўйича интерактив хизматлар кўрсатиш тартиби ишлаб чиқилиб, тасдиқланган (30.06.2015й.). Ҳозирги кунда ушбу хизмат Ягона порталда тўлақонли режимда ишга туширилган. Маблағ талаб этилмаган. Ҳавола:https://my.gov.uz/ru/service/446. Ушбу тизимига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг барча масъул | Техник топши-риққа мувофиқ | | | | | | | |

| Т/р | Дас-тур банд лари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | ёлғиз кексалар ва ногиронларни “Саҳоват” ва “Мурувват” интернат уйларига жойлаштириш учун аризалар бериш ҳамда зарур ҳужжатлар рўйхатини электрон тарзда олиш бўйича интерактив хизматлар; | 2015 йил II-III чорак | таркибий бўлинмалари уланган.<br><br>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази томонидан ёлғиз кексалар ва ногиронларни “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларига жойлаштириш учун аризалар бериш ҳамда зарур ҳужжатлар рўйхатини электрон тарзда олиш бўйича интерактив хизматлар кўрсатиш тартиби ишлаб чиқилиб, тасдиқланган (09.07.2015й.). Ҳозирги кунда ушбу хизмат Ягона порталда тўлақонли режимда ишга туширилган. Маблағ талаб этилмаган.Ҳавола:https://my.gov.uz/ru/service/445. Ушбу хизматни тақдим этиш тизимига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг барча масъул | Техник топши-риққа мувофиқ | | | | | | | |

| Т/р | Дас-тур банд лари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини санаторий-курортларда соғломлаштиришни электрон ҳисобга олиш дастурий комплекси; | 2015 йил II чорак | таркибий бўлинмалари уланган.<br><br>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан техник топшириқ ишлаб чиқилиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ри-вожлантириш вазирлиги томонидан тегишли эксперт хулосаси тақдим этилган (07.04.2015й). Тегишли тан-лов комиссиясининг йиғи-лиши ўтказилиб, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги “Ахборот-компьютер маркази” ДУК ижрочи корхона деб аниқланган, 2015 йил 30 июнда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (буюртмачи), вазирлик (молиялаштирувчи томон) ва “Ахборот-компьютер маркази” ДУК (ижрочи) ўртасида 127,0 млн. сўм миқдоридаги уч | 150,0 | 114,3 | | 114,3 | | | | 76 |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | ногирон шахсларнинг протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминланганлигини ҳисобга олиш бўйича махсус “Protez” дастури | 2015 йил III чорак | томонлама шартнома имзоланган. Бугунги кунда дастурий комплекс ишга туширилиб, жами 114,3 млн. сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилган.<br>Шартномага асосан лойиҳанинг сўнгги босқичи яратилган ахборот тизимини техник қўллаб-қувватлаш бўлгани учун қолган маблағлар шартнома тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўзлаштирилади.Хавола:https://91.212.89.72/yullanma/web/<br><br>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан техник топшириқ ишлаб чиқилиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тегишли эксперт хулосаси тақдим этилган (07.04.2015й). Тегишли танлов комиссиясининг йиғилиши ўтказилиб, | 150,0 | 114,3 | | 114,3 | | | | 76,0 |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | | | Меҳнат вазирлиги қошидаги “Ахборот-компьютер маркази” ДУК ижрочи корхона деб аниқланган, 2015 йил 30 июнда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (буюртмачи), Вазирлик (молиялаштирувчи томон) ва “Ахборот-компьютер маркази” ДУК (ижрочи) ўртасида 127,0 млн. сўм миқдоридаги уч томонлама шартнома имзоланган. Бугунги кунда Дастурий комплекс ишга туширилиб, жами 114,3 млн. сўм миқдорида маблағ ўзлаш-тирилган. Шартномага асо-сан лойиҳанинг сўнгги босқичи яратилган ахборот тизимини техник қўллаб-қувватлаш бўлгани учун қолган маблағлар шартнома тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўзлашти-рилади.Ҳавола:https://91.212.89.72/protez/front/login. | | | | | | | | |
| 12. | 17. | Ижтимоий ҳимоя масалаларида кекса- | Йил мобайнида | | | | | | | | | |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | ларнинг талаб-эҳтиёжларини тезкорлик билан эътиборга олиш тизимини яратиш, бунга қуйидагиларни жорий этиш йўли билан эришилади: | | | 40,0 | 40,0 | | | | | | |
| | | кексаларга ишончли ва тўлиқ ахборот бериш, шунингдек зарур ҳолларда ижтимоий хизматлар олиш масалаларида кўмаклашиш учун уларга ягона телефон рақами (call-center) бўйича интерактив аутсорсинг хизмати кўрсатиш; | | Call-center ташкиллаштириш учун “Ўзбектелеком” АК “ТШТТ” филиали томонидан 200-06-00 рақами ажратилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг тегишли эксперт хулосаси олинган. Тегишли шартномалар имзоланиб, Жамғарма томонидан жорий йил 28 июлда 40,0 млн. сўм миқдорида маблағ ўтказиб берилган (режага нисбатан 100%). Меҳнат вазирлиги ҳамда “Топ Контакт” компанияси ҳамкорлигида call-center ишга туширилган. | | | | 40,0 | | | | 100,0 |
| | | | | | 660,0 | | | | | | | |
| | | пенсионерларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига | | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги- | | | | | | | | |

| Т/р | Дас-тур банд лари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | мувофиқ пенсия миқдор-лари ошганлиги тўғри-сида, шунингдек улар юборган индивидуал сўровнома-ларга мувофиқ пенсияларининг миқдор-лари ҳақида хабардор қилувчи бепул SMS хабарларини жўнатиш бўйича интерактив хизматлар; | | нинг 2015 йил 24 мартдаги 20-8/659-сон хати билан Молия вазирлиги ҳузу-ридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тегишли таклифлар юбори-лган. Пенсия жамғармаси ва “Mobi Tel Inform” МЧЖ контент провайдери ўрта-сида тегишли шартнома имзоланиб, унга мувофиқ, пенсионерларни SMS орқали ҳабардор қилиб бориш хизмати ишга туширилган. Жорий йилнинг 1 майида Молия вазирлигида ўтказил-ган йиғилиш баёнига асосан пенсия ва нафақа олув-чиларнинг шахсий мобил телефон рақамларини “Ўзбекистон почтаси” АЖ ходимлари (почтальонлар) ёрдамида тўплаш келишил-ган. Мобил алоқа операторлари билан музо-каралар асосида индивидуал SMS сўровларни бепул юбориш амалга оширил-моқда. Шахсий сўров юбориш орқали яъни пенсия иши рақамини 10711 рақамига SMS тарзида жўнатиш орқали ўз пенсия | | | | | | | | |

| Т/р | Дас-тур банд лари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм) | | | | | | | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Режа | Амалда | Шундан: | | | | | |
| | | | | | | | Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | |
| | | | | миқдори ҳақида хабардор бўлиш имкони яратилган, бу ҳақда Вазирликнинг 2015 йил 5 январдаги 1-ф-сон фармойиши билан мобил алқоа операторларига абонентларга ушбу хизмат ҳақида SMS тарзида хабардор қилиш топшириғи берилган. 2015 йил 10 июлда Жамғарма маблағларидан қўшимча молиялаштиришга эхтиёж йўқлиги ҳамда мобил алоқа компаниялари ушбу SMS сўровларни доимий асосда бепул юборишлари юзасидан Ҳукумат қарорини лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг МЗ/3001-731-сон хати олинган. Пенсия жамғармаси билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан келишилди. Вазирлик томонидан келишиш учун Марказий банкга, Молия | | | | | | | | |

| Т/р | Дас-тур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар (млн. сўм): Режа | Амалда | Шундан: Бюджет | Бажарув-чилар | Ҳомийлик | Банк кредитлари | ХМИ ва грантлар | Режага нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
